

Фарғона-Боткен: ҳамкорлик кўлами янада кенгаймоқда

Фарғона туманидаги қабуллар уйида Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев Боткен вилояти губернатори Акрам Мадумаров билан учрашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилаётгани икки томон учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қисқа вақт ичида чегараолди вилоятлар ўртасида яхши кўшнилик алоқалари йўлга қўйилди. Хусусан, Фарғона ва Боткен вилоятлари истиқболли ва кенг кўламли ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратяпти.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар кенгайиб бораётгани, хусусан, чегара худудларида кўплаб муаммолар амалий ҳал этилаётгани таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 3 октябрда қабул қилинган “Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Фарғона туманидаги “Шоҳимардон” ва “Ёрдон” маҳалла фуқаролар йиғинида туризмни ривожлантириш концепцияси асосида кўплаб ишлар амалга ошириш режалаштирилмоқда. Тадбирда ана шу борадаги ташкилий ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

-Шоҳимардонга бораётган меҳмон аввало Қадамжой туманига қадам қўяди, - дейди Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев.- Биламизки, бу заминда ҳам кўплаб тарихий ёдгорликлар, сўлим масканлар бор.Туризм соҳасини ривожлантиришда Шоҳимардон ва Қадамжой ҳамкорлигини йўлга қўйиш бугун заруриятга айланди.

Шунингдек, учрашувда маданий-маърифий ва иқтисодий соҳаларда ҳам дўстлик ва ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати







2019-10-14 16:24:39